

Эй, аҳли қабр, саҳифалар ёпилди!



11:01 / 18.11.2018 3000

Ийсо ибн Умар айтади: “Амр ибн Атаба ибн Фарқад кечаси отига миниб, қабристонга борарди. Отидан тушиб, қабрлар олдида тўхтатиб қолар ва: “Эй аҳли қабр! Саҳифалар ёпилди, амаллар кўтарилди”, дер ва тонгга қадар ўтирган жойидан қимирламасдан йиғлар, сўнг отига миниб, бомдод намозига кетарди”.

Ўлим тўшагида

Ато ибн Соибдан ривоят қилинади: “Абу Абдуррахмон Сулабий ўлим тўшагида ётганида уни кўргани бордик. У шундай деди: “Роббимдан умидворман. Унинг учун саксон йил рўза тутдим”.

“Солиҳлар гулшани” китобидан